

ХАЛҚ СЎЗИ

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЯ, 1412 ЙИЛ,
ШАББОН, 15-КҮН.
ШАМСИЯ,
1370 ЙИЛ,
ХУТ, 1-КҮН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 19 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА, 37-СОН • 288 •

НАРХИ

ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН,
СОТУВДА 60 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФТДК)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Фан техника соҳасида давлат сибсатини амалга ошириш, илмий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда республиканинг илмий қувватидан самарали фойдаланиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлик воситасини шакллантириш, патент-лицензия ва илмий-ахборот феолиятини тақомиллаштириш, халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ва Ўзбекистон фан-техника жамоатчилигининг тақдирларини эътиборга олиб:

1. Иқтисодий комитети ва унга қарашли илмий ташкилотлар негизинда ҳамда улар сони ва маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника давлат комитети (Ўзбекистон Республикаси ФТДК) ташкил қилинсин. ФТДК ҳузурида республика фан-техника ва патент-лицензия ахбороти маркази (ЎЗФТПА) ташкил қилинсин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг бош вазифалари ва феолияти йўналишлари қилиб белгилансин: фан-техника тараққиётининг республика учун устивор йўналишларини белгилаш; фан ва техникани рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш асосида фан-техника соҳасидаги давлат сибсатини шакллантириш ва амалга ошириш; катта илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш, истиқболли ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташки-

лотлари, корхоналар, бирлашма-лар феолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустақкамлаш;

фан ва техника соҳаси тармоқлари мажмуини, фан билан ишлаб чиқаришнинг илгор ҳамкорлик шакллари ташкил этиш ва ривожлантириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш;

республиканинг халқаро илмий-техникавий ҳамкорликда қатнашиши устивор йўналишлари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлар, илмий ва ўқув марказлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан фан, техника соҳасида ва кадрлар тайёрлашда алоқаларни мувофиқлаштириш ва уларни кенгайтиришга кўмаклашиш;

фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича илмий-техникавий лойиҳалар ва дастурларни давлат экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш ва шу ишларни амалга ошириш, фан ва техника ютуқлари жорий этилишини, халқ ҳўжелиги тармоқларининг илмий-техникавий даражасини назорат қилиш;

фан ва техника соҳасида муаллифлик ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини, кашфиётлар, изобретлар, санонат намуналари ва товар белгиларидан Ўзбекистон Республикасида самарали фойдаланишни таъ-

минлайдиган тизимни шўжуда келтириш;

патент-лицензия ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, республика патент жамғармасини тузиш, патентлаш масалаларида корхоналар ва ташкилотларга маслаҳатлар ҳамда услубий ёрдам бериш;


ахборот тизимлари ва ахборот базорини шакллантириш юзасидан республикада ўтказилётган ишларни мувофиқлаштириш, ватенимиздаги ва чет эллардаги илм-фан, техника ҳамда технологияларнинг энг янги ютуқларини туғрисида бошқарув органларини, корхоналар, илмий ва ўқув ташкилотларини ахборот билан таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника давлат комитети ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилган қарорлар кимга бўйсунмадан ва мулкчилик шаклларида қети назор, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, илмий ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси икки ҳафта ичидан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг феолиятини ташкил этиш масалаларига доир қарорни қабул қилиши, комитет тузилмасини ва унинг ҳақидаги низоми тасдиқлаши зарур.

М. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 февраль.



ФАРҒОНАДАГИ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари иқтисодий қийинчиликларга қарамадан, доимий шериклари — деҳқонларнинг буюртмаларини имкони борича бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йил ҳўжаликларга 300 минг тоннадан зиёд азот, 480 минг тонна селитра, 525 минг тонна аммиак етказиб берилади.

СУРАТДА: смена бошлиғи Александр Лигай.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.

САМАРҚАНДДАН

ЁЗАДИЛАР

«АЛОҚА-500» ХОСИЯТИ

ОҚТОШ Шаҳар шифонасида Япониядан нейтирилган «Алоқа-500» ускунаси ўрнатилди.

У ренген иурлари ёрдамида аниқланмаган, аммо одам тасиде мавжуд бўлган ёки энди бошланётган касалликларини ҳам айтиб беради. Ренген суратига тушмайдиган майда тошларни бемалол кўрсатади.

ОИЛАЛАР ГАЗЛИ БУЛИШДИ

ИШТИХОН. М. Жўраев ноил жана ҳўжалиқнинг икки қишлоғига табиий газ келди.

Ишинг катта қисмини «Тадбир» ширкати усталари бажаришди. Қисқа фурсатда ўн тўрт қақирмоқ масофага қувур ётқизилди. Ҳозир 580 оила зангори оловдан баҳраманд бўлаётир.

ХОРИЖИЙЛАР ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

КАТТАҚУРҒОН. Бинокорлик ишлари заводида гишт чиқарувчи печ ишга тушди.

Москвалик мутахассислар лойиҳаси асосида бу корхона йилга 24 миллион дона гишт тайёрлаш қувватига эга. Энди ақолининг ҳам, қурлиш ташкилотларининг ҳам ашб тақчиллиги туғайли тўхтаб қолган ишлари юришиб кетса, ажабмас.

ХАВАРИНГИЗ

БОРМИ?

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Техрондаги кенгаши ўтган кунин ўз ишини тугаллади. Унинг қатнашчилари сиёсий ва иқтисодий соҳаларда халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришлар муносабати билан Урта Шарқ минтақасида мустақкам тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш зарурлигини айтидилар. Давлатлар ва ҳўкуматлар бошлиқлари иштирокида ўтган икки кунлик учрашув якунлари юзасидан ҳўлоса баённома қабул этилди. Мазкур ҳўжжатда шу маҳаллий ташкилотда қатнашувчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга қақирилади, деб хабар қилади Франс пресс агентлиги Эрон пойтахтидан.

Эрон, Туркия ва Покистон билан бир қаторда Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон биринчи бор бу ташкилотнинг тўла ҳўқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. Қозогистон қуватувчи мақомини олди.

Тошкентдаги оқир офисларда унда совет қўшнларини Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлигининг уч йиллигига бағишланган митинг бўлди. Бундай дигитин Туркистон қарбий округи байналхалқчи иштирокчи уюшмаси билан Ўзбекистон Республикаси Афғонистон қарбийлар уюшмаси ташкил этди. Митинг афғон заминда ҳўлак бўлган жангчиларнинг оила аъзолари, дўстлар, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари тақлиф қилинди. Туркистон қарбий округи қўшнларни қўмондон Г. Г. Кодратов йилликларини тарихия сана билан қўтлади.

Митинг қатнашчилари ҳўзурда Урта Осиё мусулмонлари диния бошқармасининг вақили ва Тошкент шаҳар Успенский кафедрал ибодатхонасининг бош рўҳониси нуғз сулба, ҳўлак бўлган жангчиларнинг хотирасига дуо ўқидилар.

Туркиянинг Измир вилояти раҳбарлари тақлифига мувофиқ Бухоро вилоятининг расмий делегацияси жўнаб кетди. Мақсад — икки томонлама мунтазам алоқа ўрнатиш, Делегацияга Бухоро вилояти ҳўкими Дамир Едгоров бошчилик қилмоқда.

«Сибирь сибирлик татарларининг истиқлол жумҳуриятига айланиши керак», — дейилади бу халқ вақили Спартак Абдуллиннинг «Сибирская газета»да эълон қилинган хатига. У Ермак дружиналари келтириш қадар Сибирь хонлиги бўлганини, унинг пойтахти Тоболь дарёси соҳилида жойлашганини эслади. Совет ҳўкмирати даврияда минтақа ҳўудда ҳўнаслаб, олтойликлар ва бошқа халқларнинг мутор тузилмалари пайдо бўлди. Бироқ Сибирда ҳўнагача татар халқининг қонуний мақоми йўқ. Эртама-кечи, Сибирь татарлари муаммосини ҳал этишга тўғри келади, деб таъкидланади мақтубда.

Рўзномада босилган шарҳда қуйидаги маълумотлар нейтирилган: Томен вилоятида татарлар бу ердаги ақолининг 7,3 фоизини, Омск вилоятида 1,3, Новосибирскда 1,1, қарбий Сибирда тақминан 3 фоизини ташкил этади. Шарқий Сибирда татарлар бунга нисбатан камроқ.

17 февраль кунин эрталаб Степанакерт «дўл» ва «доғул» қурилмалардан яна ўққа тутилди. 7 киши ҳўлак бўлди, 16 киши жароҳатланди. 31 та уй бутунлай айрон бўлди, яна 11 та уй қисман шикоятланди. Енгин давом этмоқда.

Туркия давлат телевидениеси собиқ СССР тарихида бўлган мусулмон республикаларга мўлжалланган кўрсатувларини бошлашни реналаштирди. Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон, шўнингидан Татаристон томошабинлари ҳар кунин тўрт соат давом этадиган Туркия телевидениеси дастурларини кўриш имкониغا эга бўладилар.

Исроил қарбий вертолётлари Ливаннинг жанубида, Набатия шаҳрининг шимол-ғарбидан 12 километр нарида жойлашган Тўфтах қишлоғи яқинида автомобиллар қаровонига зарба урдилар. Автомобиллардан биринда «Хезболла» партиясининг бош қотиби шайх Аббос Мусавий бўлганлиги хабар қилинади. Воқеани ўз кўзи билан кўрганлар айтишларича, ракеталар отилиши оқибатда учта машина йўқ қилинган, қишлоқда ёнғин чиққан, Аббос Мусавий 39 йашида, Яқинда у Техронга наватбадгаи таширидан сўнг Байрутга қайтиб келган.

Маълумки, кино ва эстрада юдузлари мўмай даромад қилинади. Бу эса хўтойликларининг гашига тегмоқда, маъбуотда таънид қилинмоқда. Мақолаларда бу муаммолар «тартибга солиш» талаб этилапти. Маъшур бир хонанда, деб ёзади «Цинцизи цанькао бае» рўзномаси, яқинда ташкил этилган катта концерт-томошада битта қўшиқ учун 1 минг юан (370 доллар) сўраган. У уч кун ичида 18 марта санига чиққан, иккинда 36 минг юан (67 минг доллар) пул тоғна. Бинобарин, ана шу томоша мутасаддилари хонанда олган даромадга солинадиган барча солиқларини тўлагаилар. Бу оддий кишининг йиллик моашидан 10 баравардан ҳам кўпроқдир, деб ёзади газаб билан мақола муаллифи. Аини вақтда у иқтисодий қолақ деб аталмиш минтақаларининг ақолиси даромади билан бунин таққослаш ҳам мумкин эди. Ана шундай жойларда жон бошига йилга 200 юандан камроқ даромад қилинади.

Қозогистон болор муносабатлари шароитида харид қилган Як-42Д самолётларининг дастабчилари ўтган кунин Олимпиада келиб қўнди. Жанубий Қозогистон аилот ижрония комитети уларни сотиб олишга пул ажратди.

Тавиланда одам гавжун жойларда шарм-ҳайесиз манзара у ёнда турсин, қатто алонгоч қиёфа тасвирланган расмларини ҳам кўриш мумкин эмас. Шу босқинда пойтахт телевидениеси орқали ўқувчилар учун атилган умумтаълим кўрсатуви маълумларини қай даромада газабга нептирганнинг тасаввур қилиш қийин эмас: зиранда уй ҳайванлари ҳақидаги ҳикоя ўрнига бир эрик ва икки аёл иштирокчида бир неча лҳза давомда ошқ-маъшўрларнинг ишчий муносабатлари кўрсатилди. Бундай фақуллада ҳўлдисан тақшириш юзасидан комиссия тузилди. Абдобрлар топиқларинида йўқ, пекни терговчилар бу воқеага операторлар айбдор бўлишса керак, деб қисоблашмоқда. Улар видеооплеёнага туширилган ҳайесиз фиёлини яширин тарзда қўраётган вақтларда бекосдан бошқа тўғмачани босиб юборган бўлишлари мумкин.

Тавиланда шарм-ҳайга жуذا қаттин амал қилинади, бундай андишесизликка йўл қўймайдилар, айбдорлар эса аёвсиз жазапанадилар. Айтганча, норасмий маълумотларга қараганда, мамлакатда бу йил миллионга яқин фоҳиша бор. 12-14 яшар қизлар ҳам шу жуғалга қиради.

(Ахборот агентликларидан ва хориж рўзноmaları материалларидан сараланди).

Эрини МАДЖЕР ўғли.

Турмуш чорраҳаларида

ЗАЁМГА КУЙМАЙСИЗ

КЕЙИНГИ пайтда миш-мишлардан юрак безиллаб қолибди. Негаки, бурини ўйласанг, қулоғи кўринади, деганларидек, ўша миш-мишларнинг айриллари кетидан чиниям чиқаяпти. Мисол ҳам таёр: ҳозир қайси омонат кассасига рўпара келманг, қўларинда дастада заём тутган ўйлаб, юзлаб одамларга қўзингиз тушади. Нима гап ўзи? Улар нега зир югуриб қолдилар?

Эмишчи, 1982 йилда чиқарилган 3 фозилни қийла заём йўқ бўлармиш, вақтда топшириб олмасанг, қийла матига чўв тушиб қолармишсан. Наҳотки? Шундай ҳам рўзгор халтаси тўшилиб, ичиде ҳеч нарса турмайдиган бўлиб қолган пайтда-я? Худо қўрсатмасин...

Ана шунча гаплар. Ҳақиқатга орамалаган хонандон йўқ. Бундай пайтда халққа бор ҳақиқатини айтиб, уларни хотиржам қилиб қўйилмаса, ҳадиқ ривожланиб саросимаю ваҳимага айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу хайрилик ишга шахсан бош қўишини жумҳурият давлат омонат банки раиси Уткир Қаҳҳорович РАҲМАТИЛЛА-ЕВДАН илтимос қилдик.

НАВАТДАГИ беҳуда ваҳимага «Известия» газетасининг ўтган шабба сониде босилган хабар сабабчи бўлса-да, аслида бу собиқ марказининг эски одати.

Россия Иқтисод ва молия вазирлиғи берган маълумотларга асосланиб эълон қилинган ўша хабарда гап 3 фозилни заёмни бекор қилиш ҳақида эмас, балки бир ярим ойда бир марта ўтказиладиган ютуқ ўйинларининг вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида боради. Шундай бўлса-да, собиқ СССР Молия вазирлигининг бевосита меросхўрига айланган Россия Иқтисод ва молия вазирлиғи бундай жиддий масалани лиза ҳал этмай, мустакил жумҳуриятлар билан маслаҳатлашса, ҳар ҳолда одоб юзасидан булур өди.

Энди асосий мақсадга қўчадиган бўлсак, юқориде таъкидлаганимиздек, бу — узил-кесил эмас, вақтинчалик чора. Мақсад — ҳамма заёмлар масаласида бир тўхтама келиб олиш учун йўналишни тўхтатиб туриш. Муддат номаъlum, натижасини фақат тақмин қилиш мумкин. Чунончи, бу заём бутунлай тугатилдики, аввалгидек ўйин қайта тикланадими, бу йилча ўйнаб, кейин йўқ қилинадики? Буни вақт кўрсатади.

Хуллас, мен шу нарсани тўла маъсулият билан маълум қиламанки, марказ бошлаган бу ишнинг пиронард натижаси қандайд бўлмасин, Ўзбекистон фуқаро-

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

аналарига хос бўлган халқ қўшиқ ва рақсларини тиклаш, иқтидорли ёш ижрочиларни кашф этиш, миллий рақс ва қўшиқчилик санъатини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ижрочиларнинг саҳна қийинлари ва ижро маҳоратларини ҳанамлар ҳайъати алоҳида эътиборга олиб баҳўлайди.

Созандалар гуруҳи 7 кишидан ошмаслиғи дозим.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ёшлари 18 дан 35 гача бўлиши мумкин. Мадааният ва санъат соҳасидаги олий ва ўрта махус юртларининг талабалари, уларни тугатган мутахассислар кўрик-танловда қатнашиш ҳўқуқига эга эмас.

Кўрик-танловда Ўзбекистон миллий қўшиқчилик ва рақс санъатининг таъниқли намояндалари, санъатшунослар, журналистлар ва Мадааният вазирлиги вақиллари ҳақамлик қилишади.

«Халқлик ҳайъати аъзолари рўй-хати қўшишча тарда эълон қилинади».

Ғолибларни тақдирлаш

Кўрик-танлов ғолиблари муассислар ва ҳўимайлар томонидан таъсис қилинган қийматбахў совғалар ҳамда «Бодом гули» кўрик-танловининг I, II, III даражали дипломлари, фахрий ёрликлари билан мукофотланадилар.

Совриядорлар «Халқ сўзи» рўзномаси саҳифаларида кенг тарғиб қилинадилар ва Ўзбекистон телекомпаниясининг кўрсатувларида иштирок этиш мумкинлигига эга бўладилар.

«БОДОМ ГУЛИ»

қўшиқ ва рақс ижрочиларининг кўрик-танловига

МАРҲАМАТ!

Кўриқнинг асосий мақсади: ҳар бир вилоятнинг ўз тарихий-маданият айна-

• Ўзлимизни билайлик •

ИНСОН НУҚТА ЭМАС

Сўнги вақтда маъбуотда бир орданинг насл-насаби биланлаётганда унинг исми бош ҳарфи берилиб, нуқта билан маъхумлаштириб қўйилганлигини кўрганда хўнобин ошадиган бўлади. Нега бунинг учун бошчи Инсоннинг исмини менсимаймиз? Сохта наамтардаги нуқоти остида одам фарзанди нини, деб тўлиқ аталишини иқтилойдан хайра-миз?

Халқимизнинг кадрликларига, мусулмончилик фарзандига бир назар ташлайлик. Ахир ўз фарзандига нуқоти исми танлаш ота-онанинг асосий бурчларидан бири эмасми?

Ҳақиқатан ҳам исми қўиш ўзи бир санъат. Мозийдан йил-нислар пайда бўла бошлагани (яъни Маркс, Энгелс, Ленин, Сталин), Октябрь, Сталинча ва ҳўназо. Шундай бўлганда, одам исмининг илмий ўзига хослиғи, тарихийлиғи, шамаарайи давомийлиғи бир четга суриб қўйилди ва ёзувларда бош ҳарф ва нуқта орқали ифодаланиб, фиғиринга, эш шахс эмаслиғини эътиборга олу берилди.

Бутун маърифатлар дунда эса инсон боланнинг исми шарфинини тўлиқ айтиш одатга айланган. Антайлик, Фарбда Ж. Буш, М. Тэтчер, Ф. Миттеран, дейишмайди ҳам, ёзишмайди ҳам. Уларни дедриди ҳамма вақт Жорж Буш, Маргарет Тэтчер, Франсуа Миттеран, деб исмларини ҳам чуқур хурмат билан тилча олишади. Буни ёзувда ҳам асло унуттишмайди.

Очинги айтганда, беш-ўн йил илгар мурхум Бош но-тибимизни унутдан-узоқ исми, отасининг исми ва фамилиясини (маъсабу унвонларини санашини қўларининг) жўнгина Леонид Бренев, деб тилга олишганда бироз таажубланган эдим. Қаранг, шу оддий масалда ҳам биз инсонга ҳақиқий хурматини унутиб қўйган эганимиз.

Бунага қондош, киндиқдош Туркияда ҳам худди шундай:

Сўнги вақтда маъбуотда бир орданинг насл-насаби биланлаётганда унинг исми бош ҳарфи берилиб, нуқта билан маъхумлаштириб қўйилганлигини кўрганда хўнобин ошадиган бўлади. Нега бунинг учун бошчи Инсоннинг исмини менсимаймиз? Сохта наамтардаги нуқоти остида одам фарзанди нини, деб тўлиқ аталишини иқтилойдан хайра-миз?

Халқимизнинг кадрликларига, мусулмончилик фарзандига бир назар ташлайлик. Ахир ўз фарзандига нуқоти исми танлаш ота-онанинг асосий бурчларидан бири эмасми?

Ҳақиқатан ҳам исми қўиш ўзи бир санъат. Мозийдан йил-нислар пайда бўла бошлагани (яъни Маркс, Энгелс, Ленин, Сталин), Октябрь, Сталинча ва ҳўназо. Шундай бўлганда, одам исмининг илмий ўзига хослиғи, тарихийлиғи, шамаарайи давомийлиғи бир четга суриб қўйилди ва ёзувларда бош ҳарф ва нуқта орқали ифодаланиб, фиғиринга, эш шахс эмаслиғини эътиборга олу берилди.

Бутун маърифатлар дунда эса инсон боланнинг исми шарфинини тўлиқ айтиш одатга айланган. Антайлик, Фарбда Ж. Буш, М. Тэтчер, Ф. Миттеран, дейишмайди ҳам, ёзишмайди ҳам. Уларни дедриди ҳамма вақт Жорж Буш, Маргарет Тэтчер, Франсуа Миттеран, деб исмларини ҳам чуқур хурмат билан тилча олишади. Буни ёзувда ҳам асло унуттишмайди.

Очинги айтганда, беш-ўн йил илгар мурхум Бош но-тибимизни унутдан-узоқ исми, отасининг исми ва фамилиясини (маъсабу унвонларини санашини қўларининг) жўнгина Леонид Бренев, деб тилга олишганда бироз таажубланган эдим. Қаранг, шу оддий масалда ҳам биз инсонга ҳақиқий хурматини унутиб қўйган эганимиз.

Бунага қондош, киндиқдош Туркияда ҳам худди шундай:

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ

ЧИКИДИДАН УҒИТ

ЖУМҲУРИЯТ Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва дехқончилик имамси илмий-тадқиқот илмий-тадқиқот тарихида ўзининг хусусияти юқори бўлган масъа яратди. У чувалчанлар ёрдамида ҳосил қилинган сабаб-биноғит деб ҳам аташапти. Қизини шундай, ўғит учун хом шиб текин. Чувалчанлар ўсимлик барглари, озик-овқат қолдиқлари, гўнг, умуман чиқиндиларни еб, қайта ишлаб, дондорлигини ошириб ўғитга айлантиради. Сузда эрмайдди. Бу янглиқдан сўнг фан оламга чувалчанларнинг яна бир хусусияти маълум бўлди. Улар хом шибни истеъмол қилиш жараёнида ўзидан елимсимон суюқлик акратиб чиқараркан. Ғит чувалчан қорнида ана шу моддага гўйнади. Тарихида ўсимлик учун зарур озунлардан ташқари 30 фонзгача чиқиндилар ҳам мажбур. Озиқлантирилган экинларнинг амал олиши тезлашини кузатишган.

Илмийнинг тажриба майдонидан экинлар помидор ва бодринга шу ўғит берилганда ҳосилдорлик минерал ўғитлар билан озинлантирилганга нисбатан бир ярм баравар юқори бўлди. Маҳсулот тарихида нитратлар йўқ. Олимлар бу ўғитдан сабзавот ва поливчилликда қўлланишса, катта даромад келтиришини тевондлашди. Республика Фанлар академияси раҳбарлари шу теологияга асосда йил бўйи ўғит олиш учун чувалчанлар фаолиятини тевилла шароитига мослаштиришга қарор қилишди. Бу йил шу мақсадда илмий ҳудудда 500 квадрат метр сажини исхонхона кўриш мўлккаланди.

ЭРТАК ОЛАМИГА САЁХАТ

БАЪЗИДА хабрга толаман. Подшоҳи Анушхондеқ одил, ҳақиқатпарвар, қозилари ҳақиқатга, мирсабларни Фурқонрош, Турларни мард бева-бачораларнинг муноғига кўз олайтирмайдиган маамалат юз йиллик уар қилган қилса керак. Маъбуоти ҳам тўрларнинг қолдиқ-қолдиқларини эмас, бор ҳақиқатни, ҳақ дәрдини ёса.

Бундай жамият фақат эртакларда бўлади, дейишади. Ростга ўхшади. Борингю, рост эса болажонлар маза қилган бўлишидир. Яқинда «Мерос» нашриёти ходимлари ўн йиллик мажорини ҳақиқат эртакларини нашрга таъйирлашга киришган эдилар. Унинг биринчи ва иккинчи жилдлари шу кеча-кундузда эртак ишчибозлари — болажонлар қўлига тегадиган бўлди. Эртаклар оламга сёҳат қиладиган болалар фаровон ҳаёт наҳидасини хабарлаш тоғиб кўришса амаб эмас.


«ТОҚАТ ҚИЛСА БУЛАДИ»...

ХУЖАНДАДАГИ ким-кон бошқармасининг бошқичи кон бошқармаси Ғиздувон райони ҳудудига жойлашган. Бу қорхона 20 йилдан бери уран қазийди. Йилгига йилдан бери мамлакат хазинасига қанча фойда келтирганга ағиз ҳудуда маълум. Чунки маъмур қорхона хануз «муқалла маҳфий» шори билан ишламоқда.

Яқинда ушбу бошқарма озгина ошқораликка йўл берди: экологик хабарномадан чиқара бошладилар. Бу нашр уран қазиб олиш жараёнида атроф муҳитининг нуридан даражаси ҳақида маълумот бермоқда.

Кон бошқармаси бош муҳандиси Тенгадиги Рўвғанин айтишича, уран қазиб олишдан атроф муҳити зарар кўрмайганмиш.

Маҳмуд МАРДИ, «Халқ сўзи» муъбир.



А. ГОРОКРИК суратга олган. (ЎЗАХБОРОТ фотохроникаси).

ТУПРОГИНГ КЎЗИМГА ТЎТИЁ, ОНА ЮРТИМ!

ҲАМЮРТИМИЗ НОСИРЖОН РУСТАМОВ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК ЖУДОЛИҚДАН СЎНГ ЖОНАЖОН ДИЕРИГА ҚАЙТДИ.

Носиржонни қариношлари, ҳамқишлоқлари қуршаб олишди. Барчанинг кўзи ёшга тўла эди. Улар собиқ жангчини қўйиб юбормай, қайта-қайта бағриларига босишарди.

— Она юрт заминига қадам қўйганимда қайта туғилгандек бўлдим. Тўққиз йиллик азоб-қувбатларимни бир зумда унутиб юбордим. Қобул қилишда асир тушиб қолганимга етти ярм йил бўлди. Ушандан бери худудан ана шундай ёруғ қушларга тезроқ етказишни илтижо қилиб яшадим. Иншоолло, ниятига етдим. Ватаним тупроғини кўзалимга тўтиё қилдиган кун ҳам етди келаркан...

— Инсонларвар ҳукуматимизга, Президентимиз Ислом Каримовга каттадан-катта раҳмат, — деди Носиржоннинг отаси Умнатқул ака. — Уларнинг саяҳаракати билан мана, ниҳоят, ўғлимизни тоғдик. Елғизимиз яна бағримизга қайтди.

СУРАТДА: Носиржон Рустамов она юртида.

А. ГОРОКРИК суратга олган. (ЎЗАХБОРОТ фотохроникаси).

Зоҳиджон ОБИДОВ

РАНГ ВА ОҲАНГ

Янги шеърлар

КЎЗ ОЧ, ХУШИМ

Сен мутеликка кўйиб қолмиш эдинг, кўз оч, хушим, Сабр этишга ўрганиб қолмиш эдинг, кўз оч, хушим.

Ҳақиқа ноҳақ урсанг тинг бонг урломай ўртаниб, Дардин ичга ноилон солмиш эдинг, кўз оч, хушим.

Тунинг тонг қувган киби ошқоралик журътадир, Ботинк зардоб билан тўлмиш эдинг, кўз оч, хушим.

Тийди сурбетлар омонсиз тил ва идронингн ҳам, Маҳзабу тарихданам тонамш эдинг, кўз оч, хушим.

Минг шуқуриям, эй Зоҳиджон, тиллар эл ўз қадрини, Йўқса сен шамдай кўйиб сўймиш эдинг, кўз оч, хушим.

БУ МЕНИНГ ЎЛКАМ

Водийларда тонг таровати, Тоғдан ошиб кўйиб одиллар, Меҳмондўстлик юртим одатини, Кўчқоч очиб бўстонлар имлар. Бу менинг ўлкам, Бағри кенг, ўлкам, Миноралар дороз, пурвиқор, Гумбазлардан осмон олимш ранг.

Авлодарлар жасур, пурқимат, Тарихдаги қадри бебаҳо, Бунда ҳатто ер ҳам пурқимат. Бу менинг ўлкам, Кўрешда шўҳрам, Пахтасидек қалблар бегубор, Узбекистон бу юртининг номи.

Теғрасида янгича оҳор, Ҳам қадимий, навқирон, бешанг. Бу менинг ўлкам, Авилари кўркам, Аждоғлари доғриқдор, даҳо.

Тоғларидек мағрур қадди бор, Кўбшандур нур тўла жоми. Бу менинг ўлкам, Истиклол ҳамдам.

КУЙЛАЙМАН

ЛАПАР

Уён ташлаб ўйнайман, Буйи ташлаб ўйнайман, Истиклолдан ўрғинай, Эрк нашасини куйлайман.

Хормас менинг юрагим, Тоғмас менинг билатим, Фойдалир сафидан, Қолмас менинг тилгагим.

Чинорим ўссам, дейди, Офтобини тўссам, дейди, Юрт авжига авж кўйиб, Бу кўнгли жўшсам, дейди.

Уён ташлаб ўйнайман, Буйи ташлаб ўйнайман, Кўлга ўз эркин олган, Юрт қамолни куйлайман.

ЎЗБЕКИСТОНСАН

Кўйиб сенга қараб тўямас, офтобистонсан, Осмонингдан ой кетолмас, қавнабистонсан. Истиклолдан баҳра олган нури бўстонсан, Авиқ дилга қўшиқ солган янги достонсан, Қушларни оҳанграб Ўзбекистонсан.

Мустиқиллик шавқидан дил кўнка тоғланур, Зардўзидек водийларга кўнгли болганур, Бутун мажор бир кўрсам деб сенга чоғланур, Нам келса гар қайта кўрсам деб муштолганур, Фейли дарғ, янги дунё Ўзбекистонсан.

Ҳар қадамда янги бўстон кўрсатур дийдор, Шаҳарларнинг савлат солиб қаршилар ҳар бор, Дўста бағри кенг дийрсан, қимматинг бисёр, Кўз тағмасин, бақиллар бор, авилан, бўл хушёр, Маҳоратли, маҳобатли Ўзбекистонсан!

ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ

ЛАПАР

Тарал, тарал тарона, Мустиқиллик баҳона, Давронимиз иқинини, Куйлайлик охинона, Очиллиб-сочилиб ўйнайлик, Жўш уриб, жўш уриб куйлайлик. Чертсам дутор соз экан, Ҳар парда минг рўз экан, Юрт бағрини куйласам, Кўнглим баҳор, ёз экан, Очиллиб-сочилиб ўйнайлик, Жўш уриб, жўш уриб куйлайлик.

Жаранглаб торимини, Куйлайлик дийрини, Кўнглим қилмасам бўлмас, Келган истиклолнинг, Очиллиб-сочилиб ўйнайлик, Жўш уриб, жўш уриб куйлайлик. Чертсам дутор сайрайдик, Завқим қанот болгайдик... Нури эртам куйласам, Кўнглим қушдай яйрайдик, Очиллиб-сочилиб ўйнайлик, Эртанимизни ўйнайлик.

ЎЛМАС НАВО, ҚАЙДАСАН?

Санъат

Халқнинг иқтимоий руҳи қўшиқларида акс этади, дейишади. Ҳақиқатан ўтмишдаги жамини воқеа-ҳодисалар — хоҳ зафарли, хоҳ аччиқ мағлубият алами бўлсин — куй-қўшиқларимизда мужассам бўлган. Демак, қўшиқ нафақат санъат, балки халқ тарихи ҳамдирки, унинг руҳий кучи инсон овозини сови орқали абадиёт қосонасига муҳрланади.

Хўш, ҳозирги замон ўзбек қўшиқчилиги санъатида мангуликка эш бўладиган, халқимизнинг бутунг аҳвол-руҳияти мужассам куй-ашулар яратилаётганими? Афсуски, бу саволга «ха» деб жавоб беришимиз қийин.

Ойнан жаҳон ва радиодан «фаровонлик», «солам олам бахт», «ғўзал даврон», «яшнаётган ўлкамиз» ҳақида ҳар кун таралиб турган ашуларни эшитиб ҳамон соҳталик ва ёлғондан қутула олмаётганимизни кишини изтироба солади. Бундай «ёр ва дийр»ни «тараянум» этувчи қўшиқлар одамларнинг дидини ўтмаслаштиради, инсон заковатининг тенгсиз маҳсули бўлган қўшиқдек муқаддас мўъжизага лоқайдлик туғусини уйғотади.

Қўшиқнинг тарихи, дедик. Хўш, шундай экан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда рўй берган ҳам қувончли, ҳам қонли воқеалар хусусида, ялпи миллий ғўнанинг палласидан дарду полларнинг мининг афрони хоншларни қани? Нега бундай қўшиқлар йўлга тўсиқ қўйдик. Неҳун жасоратли ҳофиз ва шоир Дадахон Ҳасаннинг «Ўйгон энди, ён энди», «Халқ денгизини, халқ тўлқинидир, халқ кучдир» деб қилган ўтқи туғларини, истеъдодли хонанда Вахти-

ди. Яқин ўтмишнинг бена шу мусобати оғир юкдан халос бўлмас эканмиз, чинакам миллий дурдоналардан бебаҳра қолмаверамиз.

Албатта ҳозир ҳам халқ ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган Очлорон Отахонов, Фаттоҳон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов сингари ҳофизлар, Қамолдин Раҳимов, Фахриддин Умаров каби хонандаларимиз бор. Санъатимиз тақомилда уларнинг хизматлари беқисб. Аммо тақдирчилик, ғарб чоғу асбобларига кўр-кўрона сажда қилиш, мусиқа ва қўшиқ матидаги сазелик авж олган ани кунлар устоз санъаткорларнинг овози эшитилмай қолаётган. Албатта, ижода эркинлик бўлмоғи зарур. Лекин эркинликни ўтқини шон-шухрат, бойлик, тезроқ танилиш ва машҳур бўлиш йўлида қурбон қилишга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳақиқий санъаткор умри у яшаб ўтган давр билан ўлчанмайди. Унинг қўшиқлари худди бутунгдек келгуси авлод руҳига, дардида малҳам бўла оладими, улар қалбда эъзоз топадими — ана шу нарса санъаткор умрини белгилайди. Муҳтасар мулоҳазаларимизни севимли ширинимиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари билан яқунламоқчиман.

Санъатга бахш умрининг ажиб мўъжизаси бор, У дунёни тарк этса, ундан дунё қолади. Одам умри сарҳадли, қўшиқ умри пойдоғ, Навосиз юракларда ўлмас наво қолади.

Гулнорхон ЭРГАШ қиз.

ЧАНГ ТАРОНАЛАРИ

Санъатим анда соз чалмоқ иши мен киби кишини қийин. Навоий.

БУЮК аллома Алишер Навоий шоир ва давлат арбоби бўлиши билан бир каторда санъаткор ҳам эди. У Хуросон ва Астрообода хонандаю созаданлар ҳомийси бўлганлигини барна санъат муҳлислари яхши билиши керак. Навоий мустиқий илмини фан сифатида пухта эғлабгина қолмай, эл-улуга танилган санъаткорларга устозлик қилганлиги ҳам маълум.

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент олий илмийда «Алишер Навоий ва чанг тароналари» мавзуда қизиқарли тадбир илқ бор ўтказилди. Унда чанг чоғусининг мафтунок сазодлари ҳақида Навоийнинг азиб қолдирган фикр ва мулоҳазалари ҳақида халқ чоғу асбоблари кафедраси мудир, доцент Рустам Немаатов эҳтирос билан сўзлади.

ХОРАЗМДАН ҚЎШ ХАБАР

«МУРУВВАТ»

ВИЛОЯТ Меҳр-шафқат ва саломатлик жағфарига билан Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлида нашр эта бошлаган рўзнама ана шундай номланган. Ҳар иккала жамоат ташкилотининг бу хайрли ишларидан хоразмликлар мамнун бўлмоқдалар.

Рўзнама ижодкорлари — Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзолари Фозил Зоҳид, Эркин Мадрохимов, Улибоби Отаевнинг нитлари улғу. Буни улар дастлабки сонда чоп этилган муштарийларга мурожаатда қуйидагича ифода этишди: «Рўзнамамиз давлат ҳокимияти идораларидан ҳеч бирга, ҳеч қандай сиёсий партияга, уюшма ёки гуруҳга тобе эмас. Тезамизда битта олий ҳоким бор. Бу — қонуни. Мақсад — инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ширинимиз — ҳақиқатга эришиш. Ёзиларга, муҳтожларга ёрдамимиз теғса, йиқилганни султамиз теғса, давлатга адолат дастури қарор топишига самарали ёрдам беролсан, мақсадимиз рўзбга чиққан, деб билишимиз».

Янги рўзнама ҳар ойда бир марта чоп этилади. Бу-гунги кунда нархи осмон қадар кўтарилган қорозни вилоят моддий-техника таъминоти бошқармаси, чоп этишми Хива районларро босмаҳонаси, муштарийлар қўлига етказиб беришни вилоят ижрокоси, нашри рўйхатдан ўтказиш сарфу ҳаражатларини эса вилоят маъбуот бошқармаси ўз зиммасига олди.

ХЕВА ЧИННИСИ

ШАҲАРДАГИ бадий-қўлоқчилик заводи сайёҳлар учун турли соғва-салом буюмлари, ядиди-товоллардан ташқари чойнак, пиёла сингари танқис чинчиларни ҳам ишлаб чиқара болади. Цехга ўрнатилган замонавий асбобуускуналар тайёрланган идишларнинг сифатли ва бежирим бўлишини таъминлаётган.

Хива чиннисозлари бу йил вилоят аҳолиси учун 200 мингдан зиёд чойнак ва пиёла тайёрлашмоқчи.

Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муъбир.

«ХАЛҚ СЎЗИ»нинг навбатдаги сонини 21 февраль, жұма кунини чиқайди.

ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ

Шаҳрихондан кўллаб фан, маданият, санъат арбоблари етишиб чиққан. Бундан ташқари бу юрт ақл заковати билан эл эътиборига тушиб, халққа танилган раҳбар кадрларни ҳам тарбиялаб берган. Жумладан, республикамизнинг собиқ пахта тозалаш саноати вазирини Вазобжон Усмонов билан ҳам ҳақли равишда фахрланиб келганмиз.

Вазобжон Усмоновни виждонан қилган — меҳнатлари тўфайли пахта қабул қилиш пункти мудирлигидан вазирликка бўлган йўлини босиб ўтган ва республика саноатини юксалтириш, ободончилигини кўтариш йўли-

Бу — қизик МИТТИ ТЕЛЕФОН

ЯПОНИЯНИНГ «Мишубиси» интернационал корпорацияси фирмаси мутахассислари ватанга қайтишга яратилган. Ён-гил, ичкан, энг муҳими — сини-

да ғайрат-шиқоят кўрсатган фидокор инсон деб билишимиз. У республикамизда 72 пахта тозалаш заводида 34 та ҳаммом, 61 та болалар боғчалари, 18 та санаторий-профилакторийлар, кўллаб мактаб, турар жойлар, маданият ва спорт иншоотлари қурилишига бош-қош бўлган.

Собиқ вазиримиз тақдир тақозоси ва замона зайдининг совиқ шомоли билан гўлчилар тухмайтига учраб, олий жағога ҳўқм қўйилди. Амминизини, унга қўйилган айбонлар сохта бўлган. Агар қандайдир айбон бўлган тақдирда ҳам ун шунга мажбур қилинган.

«Пахта иши» деб номланган бу қора ишининг тў-

сииз. Оғирлиги 285 грамм. Уни бешвол қўйлаб қўнғида олиб юрса бўлади. Телефон бағарасининг қуввати 48 ваттга етмайди. Шундан сўнг бағария янгисига алмаштирилади.

ЮРАЕТГАН ШАҲАР ЗИЛЗИЛАШУНОС олимлар таъкидлашларича, шу кунларда ҳам Австралиянинг

БОШ МУХРАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП

Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-07-94, 33-07-48, 33-10-60. Эълонлар бўлими: 32-09-25. Индекс: 64608. Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

